Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 212 (20. 180) • 1988 йил 15 сентябрь • пайшанба. Баҳоси 3 тийин.


«Ҳосил-88»

## Бункерлар баракаси

Республикамизнинг шимолий зонаси — Хоразм области далаларида бу йил пахта ҳосили барвақт пишиб етилди. Интенсив технологияни ва пудрат усулини моҳирлик билан жорий этиш туфайли ҳосил йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Дефолиация ер аппаратлари воситасида вақтисоатида ўтказилганлиги машина терими ҳар йилгидан анча эрта бошлаб юбориш имкониятини яратди.

Гурлан райони механизаторлари машина терими бошлаб юборишди. «Коммунизм» колхози теримда пешқадамлик қилмоқда. «Зангори кема»лар бункеридан ҳар куни йиллик планнинг 2,5—3 проценти миқдорида пахта тўкиляпти. Рустам Аҳмедов бошлиқ бригада бир ҳафта ичида планнинг қарийб ярмини уддалаб қўйганлиги — техника шарофати.

Механик-ҳайдовчи Озод Матниёзов дастлабки уч кун ичида 21 тонна, Жумабой Матёқубов ва Фарҳод Қозоқовларнинг ҳар бири 20 тоннадан пахта териб, механизаторлар мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар.

Районнинг «Гулистон» совхозида ҳам машина терими жадал кетмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ.

# ЯНГИЛАНИШНИНГ МУҚАРРАРЛИГИГА ИШОНЧНИ ЙЎҚОТМАЙЛИК!

## М. С. Горбачевнинг Красноярск ўлкаси меҳнаткашлари билан учрашувлари

КРАСНОЯРСК, 13 сентябрь. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг сибирликлар билан учрашувлари давом этмоқда. М. С. Горбачевнинг Красноярск ўлкаси бўйлаб қилаётган амалий сафарининг иккинчи куни эрта тонгда «Химволокно» бирлашмаси цехларини бориб кўришдан бошланди. Бирлашма ишчилари ва инженерлари, раҳбарлари билан бўлиб ўтган суҳбатларда цехларни реконструкциялашни жадаллаштириш тўғрисида гап борди. Меҳнат шароитлари, корхонада ва шаҳарда экологик вазиятни яхшилаш юзасидан шошилинч чоралар кўриш зарурлиги ҳақидаги масалалар ўткир қилиб қўйилди.

Бу корхонанинг кўпминг кишилик коллективи шу кунларда қийин даврни бошидан кечирмоқда. Шиначилар учун вискоза газламаси, шойи саноати учун тўқимачилик ипи ишлаб чиқариладиган цехлар реконструкция қилинмоқда. Мамлакатга шиналар ишлаб чиқариш учун анча пишиқроқ корд-вискозали эмас, балки капронли корд зарур. Бу цехнинг профилини ўзгартириш технологик мақсадгина эмас. Янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш экологик вазиятни ҳам кескин яхшилаш имконини беради. Ҳозирги пайтда экологик вазият шаҳарда катта ташвиш уйғотмоқда.

Демак, «Химволокно» коллективининг шиори шунчаки реконструкциялашдан г и н а иборат эмас. Цехларни, машина-ускуналарни янгилаш корхона коллективининг ишини жуда юриштириб юборади. Хўжалик юритишнинг янги шароитида барқарор ишлаш эса социал соҳага албатта таъсир ўтказади.

Михаил Сергеевич завод меҳнатчилари билан суҳбатда сизларни яхшироқ яшаб, дурустроқ ишлашингиздан биз манфаатдормиз, деб таъкидлади. Чунки сизларнинг ўлкангиз мамлакатга жуда кўп нарса етказиб бермоқда. Кейинги йилларда эса Сибирда қурилишнинг асосий йўналишларини белгилашда хатоликларга йўл қўйилди. Янги катта корхоналар пайдо бўла борди, бу ерда урушдан кейинги йилларда барпо этилган, масалан, «Химволокно» каби заводлар эса эскириб қолди. Социал ривожланиш: уй-жойлар ҳам, мактаблар ҳам, касалхоналар ҳам барпо этиш муттасил орқада қолаверди. Эндиликда биз узоқ йиллар мобайнида қўлдан бой берган нарсаларни биргаликда қайтадан тиклашимиз керак бўлади.

— Раҳбарлар ишчиларга бераётган ваъдалари учун уларга нисбатан қаттиқроқ талабчанлик ҳам қилиш керак, — деди ҳайдовчи М. Заикин. — Планлар қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Министрлар бизларда реконструкцияни ўтказиш керак ёки керак эмаслиги хусусида баҳслашиб тургунларича, аввалги лойиҳалар ҳам эскириб қолди. Янги лойиҳаларни тайёрлашга тўғри келди. Бу эса ортиқча харажатлар, бизнинг, халқнинг пулларини совуришдир. Ишчилар ҳам интизомга риоя этишлари лозим...

— Интизом бўлмаса, қайта қуриш ҳам бўлмайди, — деб қувватлади суҳбатдошини Михаил Сергеевич. — Биз бу ишга биргаликда киришишимиз керак. Шунда биз заводингизни қайта тиклабгина қолмай, мамлакатда ҳам тартиб ўрната оламиз.

Йигирув цехига кираверишда ишчилар билан қизғин суҳбат бўлди.

**А. И. Павлов**, ремонтчи-слесарь: Михаил Сергеевич, машинангни тузатиб олиш учун хизмат кўрсатиш пунктига келсанг эҳтиёт қисмлар бўлмайди, бозорда эса ҳамма нарса бор. Улар ана шу деталларни қаердан олишар экан, ҳайронман?

**М. С. Горбачев**: Биз конференциядан кейин Сиёсий бюрога махсус йиғилишиб, савдода, хизмат кўрсатиш соҳасида қандай тартиб ўрнатиш кераклигини анализ қилиб, муҳокама этдик. Жамоат контролига, ишчилар назоратига киришиш керак, деб ўйлайман. Сизларда болалар боғчалари етарлими? Бу масала заводда ҳал қилинганми?

**Овозлар**: Боғчалар бор, уй-жой йўқ. Медицина муассасаларининг аҳволи яхши эмас.

**М. С. Горбачев**: Биз Госпланга ўн учинчи беш йилликда шу мақсадлар учун қўшимча маблағ ажратиш тўғрисидаги масалани Красноярск ўлкаси бўйича махсус кўриб чиқишни топширдик. Маълум бўлишича, бу масалаларни шу жойнинг ўзида ҳам ҳал қилса бўлар экан. Сизларнинг биринчи секретарингиз ўлка комитетининг янги биносини медицина муассасаларига бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини менга айтди. Ўлкада яна бир қанча бинолар топилиб, улар ҳам социал-маданий ва маиший объектларга айлантириладиган бўлди. Бунда фақат бир нарса: оқилона қарорлар қабул қилинган, деб айтиш мумкин, холос.

...Комбинатнинг бошқа цехлари каби корд газламаси ишлаб чиқарувчи йигирув-пардозлаш цехи ҳам асосан хотин-қизлардан иборат. Бу ердаги иш эса осон эмас. Катта-катта станоклар ёнидаги нозик аёллар шундай чаққон ишлашмоқдаки, уларнинг қўли-қўлига тегмайди, бунинг устига тоғ-тоғ чиқиндиларни қўлда бир чеккага ташиб қўйишга ҳам улгуришади. Дарҳақиқат, аёллар ҳамма нарсага қодир. Уй-рўзғордаги юмушларни айтмайсизми, болаларни ҳам тарбиялаш керак. Қодирликка қодирку-я, лекин бунинг чегараси борми ўзи?

Хотин-қизларнинг ўзлари бу вазифани уддалай олмасликлари аниқ, дейди комил ишонч билан бирлашма хотин-қизлар кенгашининг раиси Т. С. Ежакова. Маъмуриятнинг биз, активларни фақат хотин-қизларнинг дам олишини ташкил этувчиларгина эмас, балки меҳнат коллективи кенгашининг бевосита дастёрлари деб ҳисоблаш пайти келди.

Н. Панасенко билан А. Макрушина катта дугонасининг гапларини қўллаб-қувватладилар. Ёш мутахассислар цехларни тарк этишга мажбур бўлаётганликларини кўриб юрагинг ачийди: чунки уй-жойга навбат тобора кўпаймоқда.

Демак, бунда ҳам реконструкция қаттиқ тугунни ечиш воситаси бўлмоқда, деди Михаил Сергеевич.

Корхонанинг, цехларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари йиғилган бирлашманинг қизил бурчагида Бош секретарь Красноярск ишчилар синфи билан ўзининг биринчи мулоқотига якун ясади.

Ўртоқлар, сизларга шуни дарҳол айтаманки, деди у, одамлар турмуши чинакамига яхши йўлга қўйилмаган экан, уларда шу қадар кўп муаммолар йиғилиб қолиб, бу муаммолар социал соҳани ривожлантиришдаги қолоқликдан иборат катта бир муаммога айланиб қолган экан, биз қайта қуришнинг муваффақиятига умид боғлай олмаймиз, мана сизларнинг заводингизни ҳам олиб кўрайлик — ҳар бир цехда айни бир хил манзара. Одамлар жуда ажойиб, мутахассислар юксак малакали, уларга касблари ёқади, аммо реконструкция ишлари бир жойда тўхтаб қолди, бинобарин эса социал масалалар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Лекин шуни айтишим керакки, кўп ишлар бажарилмаганлиги ва шундай вазият вужудга келганлиги учун аввало марказ айбдор. Ахир буни тан олиш керак. Аммо тақдир шу ерда, жойларда ҳал қилинади. Марказ шундай қилиши керакки, одамларга йўл очилсин: тўғри нормативлар, аниқ-пухта ривожланиш истиқболи кўрсатиб берилсин. Одамларга ёрдам бериш керак. Техника масалаларида, айниқса сиёсатда кўмаклашиш лозим. Сизларнинг биринчи даражали ишингиз бўлган реконструкциялашда, шунингдек хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштиришда марказ билан ишлаб чиқариш коллективларининг куч-ғайратларини бирлаштириш — энг зарур нарсадир. Ҳозир айни шундай пайт келди.

Сибирь фойдали қазилмалар ресурсларига қанчалик бой бўлмасин, ўлка ишлаб чиқарувчи кучларини ўзгартиришнинг олдиндан бериладиган комплекс маълумотларисиз у уйғун равишда ривожлана олмайди, бунда Красноярск илмий марказининг олимлари ғоят катта роль ўйнашлари керак. Табиий бойликларни шу қадар кенг миқёсда ва жадал суръатлар билан ўзлаштириш чоғида хатолар, умуман регионга етказилган зиён жуда қимматга тушади. М. С. Горбачев куннинг иккинчи ярмида Красноярск марказининг олимлари билан учрашди. Шу марказ олимлари «Сибирь» комплекс программасининг турли жиҳатларини манфаатдорлик билан ва аниқ рақамлар келтириб, муҳокама қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Сибирь диёридаги учрашувлари давом этмоқда.

(ТАСС).



СУРАТДА: М. С. Горбачевнинг «Химволокно» бирлашмаси ишчилари билан учрашуви. (ТАСС телефотоси).

## ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Ҳамма хўжаликларда пахта пишиб етилди. Барча резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланиб, ҳосилни ўз кучимиз билан териб олайлик!

● Йиллик планларини бажариб, мажбурият ҳисобига пахта топшираётган пешқадам бригада ва звенолар заршуносларини ғалаба билан табриклаймиз!

● Давлат биздан фақат юқори сифатли хом ашё кутмоқда. Намлик ва ифлослик даражаси юқори пахтани теришга ҳам, топширишга ҳам асло йўл қўйманг!

● Савдо, медицина, маиший хизмат ходимларининг ўрни — ҳосил тақдири ҳал бўлаётган пахтазорда бўлсин.

## ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Қашқадарё областида пахта тайёрлашда бир-бирига қўшни Шаҳрисабз ва Китоб районлари заршунослари кунлик суръатда юксак натижаларга эришмоқдалар. «Правда», «Партия XXVII съезди», «Социализм» ва Ленин номли колхозларда дастлабки кунлардаёқ йиллик планнинг 2 проценти ва ундан ҳам зиёд пахта тайёрланаётир.

Бироқ бу билан райондаги ҳамма хўжаликлар ҳам суръатни ошириш чорасини кўряпти, деб бўлмайди. Айрим колхоз ва совхозлар қулай имкониятларни бой бермоқдалар. Чунончи, «Пахтакор», Фрунзе номли, Жўра Элбоев номли колхозларда йиғим-терим суръатини кучайтириш чоралари кўрилмаяпти.

Ачинарли томони шундаки, кўпгина хўжаликларда ҳамон қўл кучига умид боғланяпти, машина теримига киришилмаяпти. «Ҳали вақт бор», деган кайфиятда юрган мутасадди кишилар ҳатто машина теримига ажратилган майдонлардаги ғўзаларни дефолиация қилишни кечиктиряптилар. Колхоз ва совхозларда бор-йўғи 10 та «ОВХ» ишлаяпти, холос. Ахир бу билан 7300 гектар ердаги ғўза баргини қачон тўктириш мумкин?

Қўшни Китоб районида ҳам шундай манзарага дуч келасиз. Бу йил районда етиштириладиган пахтанинг 60 проценти машиналар билан йиғиштириб олиниши ҳисобкитоб қилинса, 7140 гектар ердаги ғўза барги тўктирилиши керак. Афсуски, ҳозирги иш галдаги мақсадга йўналтирилмаяпти.

Тўғри, Китоб массивидаги Беруний номли совхоз, Карл Маркс номли, Куйбишев номли колхозларда машина теримига тайёргарлик ёмон эмас. Аммо аксар хўжаликларда раҳбарлар ғўза кўкига маҳлиё бўлиб, машина терими ҳақида ўйламаяптилар.

Мана, рақамлар: район бўйича ишлаши лозим бўлган 54 та «ОВХ» аппаратидан 18 таси ишлатилаётир. Шунинг ўзи бепарволикдан далолат эмасми? Ҳозиргача мавжуд 7140 гектар ердаги ғўзанинг 400 гектардан зиёди дефолиациядан чиқарилган, холос. Агар аҳвол шу тарзда давом этса машина теримини қачон оммавий тус олдириш мумкин?

Бу йил иккала район пахта пайкалларида ҳам оппоқ очилиб ётган пахта дилларни қувонтиради. Эрта баҳордан баракали меҳнат қилган бободеҳқоннинг пешона тери натижаси — бу. Уни тезроқ йиғиб-териб олиш учун кўпроқ техника воситаларидан фойдаланиш лозим.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Областлар | Бир кунда | Мавсум бошидан | Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда | Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 2,39 | 18,68 | 1,11 | 2,48 |
| Андижон | 1,20 | 11,32 | 0,05 | 0,09 |
| Қашқадарё | 1,45 | 9,69 | 0,86 | 2,93 |
| Фарғона | 1,42 | 8,01 | 0,05 | 0,08 |
| Наманган | 1,11 | 7,17 | — | — |
| Сурхондарё | 0,77 | 6,33 | 0,09 | 0,19 |
| ҚҚАССР | 0,81 | 4,42 | 0,27 | 0,51 |
| Тошкент | 0,51 | 3,44 | 0,01 | 0,01 |
| Бухоро | 0,71 | 2,16 | — | — |
| Самарқанд | 0,19 | 0,63 | — | — |
| Сирдарё | 0,12 | 0,51 | — | 0,02 |
| Республика бўйича: | 0,91 | 6,16 | 0,20 | 0,55 |
| **Шу жумладан ингичка толали пахта:** | | | | |
| Наманган | 2,34 | 16,04 | — | — |
| Сурхондарё | 0,86 | 7,14 | 0,11 | 0,11 |
| Қашқадарё | 0,56 | 3,58 | 0,10 | 0,10 |
| Самарқанд | 0,59 | 1,94 | — | — |
| Республика бўйича: | 0,74 | 5,77 | 0,10 | 0,10 |

## ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 14 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар, иккинчи устун— бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Қашқадарё | 6,5 | 78,6 |
| Тошкент | 8,7 | 65,6 |
| Сирдарё | 8,1 | 63,1 |
| Сурхондарё | 6,3 | 57,1 |
| Наманган | 7,4 | 46,7 |
| Хоразм | 5,5 | 40,6 |
| Қорақалпоғистон АССР | 5,5 | 31,9 |
| Андижон | 6,7 | 29,7 |
| Бухоро | 4,4 | 21,2 |
| Самарқанд | 2,7 | 9,3 |
| Фарғона | 2,1 | 7,5 |
| Республика бўйича | 6,1 | 45,0 |

## МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ МУТТАСИЛ ОШИРИБ БОРАЙЛИК

КПСС XXVII съездининг маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини ошириш юзасидан белгилаб берган қарорларини бажариш, бу ишни XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосида яхшилаш вазифалари 14 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгашида муҳокама қилинди.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров очди. Унда область ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, давлат қабули органларининг раҳбар ходимлари қатнашдилар.

Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Судаpенков доклад қилди.

Докладчи ва кенгашда сўзга чиққан кишилар маҳсулот сифати республика корхоналари учун энг асосий муаммо бўлиб қолаётганлигини, уни ҳал қилишга меҳнат коллективлари, давлат қабули ходимлари, олимлар ва мутахассисларнинг куч-ғайратларини йўналтирилиши лозимлигини уқтириб ўтдилар, айрим ижобий силжишлар ҳам қайд этилди: Ўзбекистон заводлари ҳамда фабрикалари ҳозир жаҳон намуналарига мос келадиган ҳамда давлат сифат белгиси берилган 300 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Биринчи ярим йилликда олий сифат категориядаги маҳсулот ишлаб чиқариш 14 процент кўпайди. Ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш борасидаги ишлар кучайтирилди.

Шу билан бирга, деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари, беш йилликнинг ўтган даврида маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини тубдан яхшилашга муваффақ бўлинмади. «Сифат» программаси тўла ҳажмда бажарилмаяпти. Янги машиналар, ускуналар, асбоблар, аппаратлар ва автоматлаштириш воситалари ҳаддан ташқари суст ўзлаштирилмоқда. 1987 йилда яратилган 48 та техника намунасининг фақат еттитаси ишлаб чиқарила бошлади. Бу намуналарнинг кўпи замонавий талабларга мос келмайди.

Янгиликлар лойиҳаланаётган босқичдаёқ уларнинг юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини таъминламаяпти. Маҳсулотнинг техникавий даражасига иқтисодий таъсир воситаларидан, шунингдек сифат группалари сингари жамоат тузилмаларидан суст фойдаланилмоқда.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси И. Искандаров, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Норасмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Финляндия бош министри Харри Холкери Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, республика ташқи ишлар министри С. О. Азимов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

14 сентябрь куни Ғ. Ҳ. Қодиров Х. Холкери билан суҳбатлашди. Суҳбат чоғида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизида ривожланаётган Совет—Финляндия муносабатларининг аҳамияти таъкидланди. Бу шартноманинг қирқ йиллигини яқинда иккала мамлакат жамоатчилиги нишонлади. Ғ. Ҳ. Қодиров СССР билан Финляндия раҳбарлари ўртасидаги музокараларнинг ва уларнинг анъанага айланган олий даражадаги учрашувларининг самарали характерини таъкидлади.

Х. Холкери самимий кутиб олинганлиги учун Финляндия раҳбарияти ва халқи номидан миннатдорчилик билдирди ҳамда СССРда амалга оширилаётган қайта қуриш икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун янги катта имкониятлар очаётганлигини айтди.

Ғ. Ҳ. Қодиров республикада XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида, қайта қуриш, демократия ва ошкораликни ривожлантириш масалалари тобора теранлашиб бораётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

* * *

Х. Холкери Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди, музейларни, В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройини бориб кўрди.



**Суратда: шаҳар билан танишиш пайти.**

**В. Созинов ва А. Горокрик** фотоси (ЎзТАГ).

